

ТУҒРУҚХОНАДАГИ ИШЛАР

18:51 / 26.04.2016 5130

САВОЛ: Мен яхши ниятлар билан хусусий туғруқхона очган эдим. Лекин баъзида ўзимиз истамаган ҳолда ҳали дунёга келмаган болаларни оналаридан жудо қилишимизга тўғри келади. Айтингчи, тиббиётдаги бу вазифани бажариш мени гуноҳкор қилиб қўядими?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ҳозир қонунан ҳам ҳомилани олишга рухсат йўқ, шариатда ҳам ҳомилани олишга рухсат йўқ. Хусусан, турмушга чиқмаган қизлар бўлса, зино қилиб, гуноҳкор бўлиб турган бўлса, уларнинг айбини беркитиш маъносида қилинадиган ҳомилани олиш каби ҳолатлар тўғри иш эмас. Шунинг учун шариатнинг кўрсатмаларини ҳам, қонуннинг тарафларини ҳам бузмаслик керак бўлади. Инсонларга яхшилик қилиш ниятида очилган бўлса, туғишига ёрдам берсинлар–ана шу яхшилик. Боласини тушиб кетишидан сақлаб қолиш амалиётлари бор, муолажалар, даволашлар бор, уларни қилинглари, улар савоб ва бошқа яхши ҳолатлар кўп. Туғруқхоналарда савоб учун ҳаракат қилиш керак. Албатта зинодан бола орт-тирганларнинг ҳомиласини яширинча, шариат ва қонунга хилоф равишда олиб ташлашда қилинаётган ишлар савоб бўлмайди албатта, гуноҳ бўлади. Валлоҳу аълам.